

---

## Ёзёвонда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар доими эътиборда

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила вакиллари, яққа ёлғиз, «Темир», «Аёллар», Ёшлар» дафтаридаги фуқаролар доими эътиборда. Иккинчи сектор раҳбари адлия маслаҳатчиси Илҳомжон Ходжаев ташаббуси билан Ёзёвон тумани Қорасоқол шифокорлик пунктида ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўрик бунга мисолдир. Сестор ҳудудидаги маҳаллалар - Юқори Сойбўйидан 36, Сойбўйидан 38, Юқоридан 60, Қорасоқолдан 20, Гулистондан 10, Мустаҳкам дўстликдан 28 жами 192 нафар юқорида санаб ўтилган тоифага кирувчи фуқаролар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

1934 йилда туғилган Робахон Қаҳҳорова (Юқори Сойбўйида МФЙ), ва 1 гуруҳ ногирони Ҳамидулло Алихоновга ногиронлик аравачаси олиш учун сертификатлар топширилди.

Кўриқдан ўтказилганлардан 100 нафари ЭКГ, 87 нафари УТТ, 102 нафари лаборатор текширув, 25 нафари бошқа текширувлар учун тиббиёт бирлашмасига йўлланман берилди. 110 нафар иштирокчи ички дорихонадан дори-дармонлар билан таъминланди. 32 нафарига ҳар хил ўлчамдаги кўз ойнаклар берилди. 3 нафар фуқаро тор доирадаги мутахасислар томонидан, 43 нафари вилоят тиббий ижтимоий бригада текширувидан сўнг дори-дармонлар билан таъминланди.

Тиббий кўриқ ўтказилган жойга 193 миллион сўмлик дори – дармонлар олиб келиниб, уларнинг 130 миллион сўмлиги тарқатилди. Қолган қисми тиббий кўриқка кела олмаган фуқароларга етказиш учун ҳудудий поликлиника ходимларига берилди.

2022-09-29 20:37:57